

УДК 338.48

ТУРИЗМ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Омонов Шохрух Қўчқорович

СамИСИ “Туризм” кафедраси ассистенти

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда туризм соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари келтирилган. Қолаверса, туризм инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳланган.

Калит сўзлар: туризм, инновация, инновацион инфратизим, инновацион омиллар.

FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF TOURISM INNOVATIVE ACTIVITY

Amonov Shokhrukh Kuchkarovich

Assistant of department of Tourism, SamIES

Abstract. This article presents the issues of development and improvement of innovative activities in the field of tourism today. In addition, the factors influencing the development of innovative tourism activities and their specific characteristics are explained.

Key words: tourism, innovation, innovation infrastructure, innovation factors.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурий шарти инновацион фаоллик ҳисобланади. Ўз навбатида у ҳам давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, унинг инновацияга оид сиёсати ва захиралари, жамиятнинг маънавий аҳволига боғлиқ бўлади. Корхона миқёсида инновацион фаоллик

фаолиятини бошқариш сифати ва стратегиясини танлаш, ишлаб чиқариш тизимларининг эгилувчанлиги ва захиралардан фойдаланишга боғлиқдир.

Инновацион соҳа иқтисодий муносабатлар тизимининг бир қисми ҳисобланади. Бу моддий маҳсулотларни (бойликлар) яратишда бевосита иштирок этмайдиган, аммо ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун зарур алоҳида истеъмол қийматларини яратувчи миллий хўжалик соҳалари (хусусий ва давлат структуралари) ҳамда ижтимоий фаолият турларининг йиғиндисидан иборат.

Инновация ва инновацион фаолият анъанавий тарзда илмий техник тараққиёт (унинг юқори технологик қисми) йўналиши ва илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ жараён сифатида тушунилади. Бироқ, «инновация» тушунчасининг маъно ва мазмуни анча кенг. Инновациялар соҳаси кенг қўламли бўлиб, у нафақат илмий-техник ишланмалар ва ихтиролардан амалий фойдаланишни қамраб олади, балки маҳсулот, жараёнлар, маркетинг (савдо), ташкилотчиликдаги ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Инновация ўзгаришнинг яққол омили, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараёнлар, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги хизматлари ва янги ёндашувлари сифатида келади. Замонавий талқинда «инновация» атамасини Й.Шумпетер биринчи бўлиб қўллаб, инновация – бу янги материаллар ва комонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг очилиши, янги ташкилий шаклларнинг киритилишига асосланган барча янги услубларнинг янгича қўшилуви ва тижоратлашувидан иборат ҳосила функцияларининг жиддий ўзгаришидир деб таъкидлайди.

Инновация – бу бозордаги янги маҳсулот, янги ҳодиса ёки хатти-ҳаракат бўлиб, у истеъмолчини жалб қилади. Унинг эҳтиёжларини қондириш ва шу билан бир вақтда тадбиркорга даромад келтириш мақсадига эга эканлигини бунга қўшимча қилиш мумкин.

Туризм соҳасидаги инновацион фаолият янгисини яратишга ёки мавжуд маҳсулотни ўзгартиришга, транспорт, меҳмонхонага оид ва бошқа хизматларни таокмиллаштиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот ва телекоммуникация технологияларини ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларини киритишга йўналтирилган бўлади.

Инновацион ривожланишни белгиловчи омиллар:

✓ бозорга оид конъюнктура ва рақобат (ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда);

✓ муҳит (фан ва техника ривожининг ривожланиш даражаси, қонуний ва меъёрий асос, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик);

✓ кадрлар (олимлар, мутахассислар, тадбиркорлар, менежерлар, сиёсий арбоблар, давлат хизматчилари);

✓ ресурслар (табiiй, ишлаб чиқарувчи, молиявий, илмий-техник, технологик, инфрақурилма).

Инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз бераётган доимий ўзгаришлар инновацияларга туртки беради. Улардан ҳар бирида янгиликларнинг мақсадлари барқарор ва узок муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган янги жараёнлар ёки маҳсулотларни жорий қилишдир.

Оддий ишлаб чиқаришдан инновацион фаолият: инновацияларни тижорийлашда катта таваккалчилик хавфи (50%гача); аниқ натижалар бўлмаган ҳолатларда ишни тўхташи ҳақида қарор қабул қилиш учун янгиликларни амалга тадбиқ этишнинг оралик босқичларини доимий назорат қилиш зарурати; сарфланган захиралар ва киритилган маблағлар ҳажмига натижаларнинг боғлиқлигини белгилаш мураккаблиги билан (жорий этилишнинг дастлабки даврида янгиланган маҳсулот ҳеч қандай даромад бермаслиги мумкин, сўнг даромад кескин ошади) белгиланади.

Инновацион инфратизим. Ишлаб чиқариш, илмий-техник ва инновационфаолиятлар ўзаро узвий боғлиқ, аммо ҳар бир фаолият турининг инфратизилмасини шакллантириш улар ишлашининг ихтисослашган ташкилий унсурлари ва механизмлари билан фарқланади. Инновацион инфратизилма ривожланишининг жараёни алоҳида лабораториялар, технопарклар ва илмий салоҳиятли технологиялар инкубаторлари яратишдан бошланади. Кейинги йилларда бозор иқтисоди талабларига мувофиқ фан инфратизилмаси яратилмоқда: илмий маконлар, махсус иқтисодий ҳудудлар ва махсус молия тузилмалари; олий таълим тизими, Илмий салоҳиятли хизматлар соҳаси ривожланмоқда – инжиниринг, лизинг, маслаҳат консалтинг.

1-жадвал

Инновацион фаолиятнинг таснифи

Таснифий белгилар	Инновациянинг таснифий гуруҳланиши
Инновацияларни қўллаш соҳалари	Бошқарув, ташкилий, тадбиркорлик, ижтимоий, саноат ва бошқалар
Яқуний натижаси инновация бўлган илмий-техник таракқиёт босқичлари	Илмий, техник, технологик, конструкторлик, ишлаб чиқариш, ахборотлаштириш, маркетинг, бозор
Инновациянинг интенсивлик даражаси	Бир текисда, кучсиз, оммавий, «бум» ҳолатда
Инновацияни реализация қилиш кўламлари	Тезкор, секинловчи, сўнувчи, ўсиб боровчи, бир текис, тебранма шаклда
Ишланмалар ва тарқатиш соҳалари бўйича	Трансконтинентал, трансиллий, ҳудудий, минтақавий, йирик, ўрта, кичик

Инновация самарадорлиги	Саноат, молия, хизмат кўрсатиш, илмий-педагогик
Тарқатилиши бўйича	Алоҳида ҳолатда, диффузия ҳолатида

Замонавий тушунчаларга кўра туризмдаги инновацион жараён бу режага асосланган, аниқ бир мақсадга йўналтирилган, амалга ошиши аниқ бўлган, ҳамда туристик соҳада фаолият олиб бораётган корхоналар томонидан амалиётга янгиликларни жорий этиш, давлат ва жамоат бирлашмаларининг туристлар оқимининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун турли таклифларни жорий этишидан иборат. Мавжуд таснифлаш бўйича туризмдаги инновацияларни қуйидагича фарқлаш мумкин: техникавий, ижтимоий, давлат (давлат-сиёсий), ҳуқуқий, маданий, ташкилий.

Қоидага кўра, туризмдаги инновациялар бу фаолиятнинг янги турларини жорий этиш ёки эски амалиётни такоминлаштириш услубларини яратишдан иборат. Туристлар шаҳарларга қилган ташрифи учун ва инвестицион фаолият билан шуғулланганлардан олинадиган солиқлар ва божлар, давлатлараро туристик ресурсларнинг реклама қилиниши ва у ёки бу давлатнинг туристлар учун жозибадор имиджларнинг яратилиши-буларнинг барчаси туризм соҳасидаги инновацияларни ривожлантиришга олиб келадиган самарали катализаторлар бўлиб ҳисобланади.

Хозирги пайтда туристик фаолиятнинг янги турлари пайдо бўлмоқда, масалан, турли мамлакатларда бўлган туристлар дам олиш мобайнида ўзаро яшаш жойларини алмаштиришади бу ҳақида тегишли порталга ва махсус ижтимоий гуруҳга хабар бериш орқали амалга оширилади. Туристлар саёҳат қилиш жараёнида ўзларининг йиллик истеъмол харажатларининг 5-10% миқдоридagi маблағини сарфлашади. Туристларнинг молиявий эркинлиги инновацияларни ва туристик

хизматлар таклифининг ривожланишига олиб келади. Бунда замонавий қулай тўлов тизимлар уларга белгилаб қўйилган жой билан чегараланиб қолмасдан ҳамда нақд пул захираларини ўзи билан олиб юриш ташвишидан қутилишга ёрдам беради. Натижада уларга мароқли маданий-таълимий ва кўнгилочар туристик хизматлардан фойдаланиш эркинлигини тақдим этилади.

Келажакдаги маҳсулот ғояси шакллантирилгач, ғояни амалиётда жорий этиш имкониятлари ўрганилади, етказиб берувчилар ва шерикларни қидириш ва саралаш, асосий ва қўшимча хизматларни, ташишни, тиббий суғурталашни режалаштириш, хомаки иқтисодий ва нархлашга оид ишланмалар амалга оширилади. Бундай хатти-ҳаракатлардан кейин маҳсулотни экспериментал текшируви ўтказилади: тақдимот, синов савдолари, эҳтимолли талаб ва рақобатни баҳолаш. Янгиликни яратиш даври шу билан тугайди. Инновацион даврнинг навбатдаги босқичи туристик маҳсулотини олға суриш ва бозорга киритиш, сотиш ва тижоратлашувга йўналтирилган чоралар мажмуидан иборат (тарғибот ва реклама акцияларини, бевосита маркетингни ўтказиш, савдони рағбатлантириш, паблик рилейшнз).

Ходимларнинг рағбатлантирилишини ўз ичига олувчи савдони бошқариш тизими шакллантирилади. Туристик бозорининг бошқа субъектлари ўз фаолиятида шу инновацияни фаол қўллай бошлаганларида инновацион давр тугайди.

Хизматларни сотиш бўйича Бош келишув (ГАТС) ҳолатларига асосланиб, туризм соҳасида учта йўналишдаги инновацион фаолият ривожланмоқда.

1. Корхона ва туристлик бизнесини ривожлантириш билан боғлиқ бошқарув тизими ва тизимида янгиликларни (ташкилий инновацияларни) жорий этиш, жумладан, қайта ташкил қилиш, йириклашув, энг янги техника ва илғор технологиялар асосида рақобатчи субъектларни бозордан

сиқиб чиқариш; кадрлар сиёсатида (кадрлар таркибининг янгиланиши ва алмаштирилиши, малака ошириш тизими, ходимларни қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш); оқилона иқтисодий ва молиявий фаолиятда (корхона барқарор ҳолати ва ривожланишини таъминловчи ҳисоботнинг замонавий шакларини жорий этиш).

2. Мақсадли истеъмолчилар эҳтиёжларини қамраб олиш ёки шу вақтда қамраб олинмаган мижозларни жалб қилиш имконини берувчи маркетингга оид тадқиқотлар.

3. Туристик маҳсулотининг истеъмол хусусиятларини ўзгартиришга, рақобатда устунликлар берувчи ва ҳолатини мустаҳкамловчи хусусиятларига йўналтирилган даврий инновация (маҳсулотга доир янгилик)лар.

Туризм соҳасидаги тадбиркорликни ривожланишида инновацион жараёнларга халақит қилувчи ташқи муҳит омилларидан ташқари кўйидаги ички муҳитнинг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади:

- ташкилий-техник тайёргарлик;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В. Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.-248с.

2. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное. – СПб.: Издательский дом Герда, 2007. – 576 с.

3. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учеб. Пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 176 с.

4. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.– 367 с.

5. Тухлиев И.С. ва бошқалар. Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. Т.: 2012. 340 б.